Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 11 апрель ШАНБА № 28 (12768)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

www.th.uz

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар, муҳтарам Олий Мажлис депутатлари!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, сиз, ҳурматли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланишимга ўз ишончини билдирган юртдошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларимга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, ҳаммангизга соғлик-омонлик, бахт-саодат тилайман, қалбимдаги энг эзгу орзу-тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Менга билдирилган ишончни ўзим учун аввало улкан масъулият ва катта шараф деб биламан ва яна бир бор айтмоқчиман – бундай юксак, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган халқ ишончини оқлашга, бажо келтиришга бутун борлиғимни сафарбар қиламан.

Қадрли дўстлар!

Биз эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, биз учун янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, амалга ошираётган қатъий ўзгариш ва ислоҳотлар натижасида **бугун эришаётган юксак марра ва ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди.**

Буларнинг асосий омили ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда "ўзбек модели" деб ном олган, машҳур беш тамойил – принципга асосланган, тадрижий – эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу моделнинг афзаллиги ва бугун ўзини бутунлай оқлаганини Ўзбекистонга хос бўлган турли табиий, тарихий, миллий, демографик ва экологик хусусиятларни тўла ҳисобга олганида кўрамиз.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу соҳада аренда – ижара мулкига асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берганимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганимиз эвазига бу ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, яқин тарихимизда ўчмас из бўлиб қолади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Фермер хўжаликларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат 90-92 фоизини ишлаб чиқармоқда, балки қишлоқ ҳаётининг тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Ёки бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолимизнинг 75-77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган ана шундай кўрсаткич ва рақамлар биз олиб бораётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, эртанги кунимиз, **тараққиётимиз йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиши муқаррар.**

Шуни тўлиқ асос билан айтишимиз мумкин – айни шу каби ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобидан биз Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Яъни, охирги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётгани ва 2015 йилда ҳам – шунга ишончимиз бор – бундан кам бўлмаслигини инобатга олсак, барча нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, **мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир.**

(Давоми 2-бетда).

**Тошкентда 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: "Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграseveralди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз давлатимиз сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Сайловчилар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

**ЎзА.**

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## ДОРИЛАМОН КУНЛАР ҚАДРИ

**Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маънавий даражасини белгилайди. "Кексаларни эъзозлиш йили" Давлат дастури қабул қилиниб, шу асосда қатор тадбирлар амалга оширилаётгани ушбу фикрнинг амалдаги ижросидир.**

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими бошчилигида барча шаҳар, туманлардаги уруш қатнашчиларини пойтахтимизнинг сўлим гўшаларига сайр қилдириш режа асосида ташкил этилмоқда. Олмалиқлик 40 дан зиёд нуронийлар Шаҳидлар майдони, Хотира ва қадрлаш майдони, Минор масжидига ташриф буюрдилар.

– Ўз юртида қадр топиб, иззат-икромга эга бўлиш чинакам бахт, – дейди юз ёш билан юзлашаётган Абдукарим бобо Мавлонов. – Тинч, осуда ҳаёт кечириш ҳар кимга ҳам насиб этавермас экан. Минг шукрки, шу кунларга етдик.

– Юртимизнинг кўркам ва обод масканларига сафар Хотира ва қадрлаш куни олдидан муносиб совға бўлди, – дейди 91 ёшли уруш фахрийси Абдукарим бобо Маматқулов. – Бундай дориламон кунлар қадрига етиб, Мустақиллик аталмиш азиз неъматни кўз қорачиғидай асраш керак.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар "Нуроний" жамғармаси бўлинмаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбир доирасида тўкин дастурхон ёзилди. Шунингдек, кексаларга эсдалик совғалари топширилди.

**Ирода МАҚСУДОВА.**



## ФАХРИЙЛАРГА ЭКСКУРСИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Уруш ва меҳнат фахрийлари Тошкент шаҳри бўйлаб икки қаватли автобус (даблдекер)ларда экскурсия қилишди.**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ахборот хизматининг билдиришича, Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида яшовчилар учун Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Жумладан, экскурсия давомида фахрийлар пойтахтимизнинг гўзал гўшаларига ташриф буюришди, сайёҳлик бўйича мутахассис йўналиш бўйлаб батафсил маълумот бериб борди. Шунингдек, саёҳат давомида фахрийларимиз учун байрам дастурхони ва бадиий дастур ташкил этилди.

Ушбу экскурсия қатнашчиларидан бири Тўхтамурод ака Жўраев юртимизда кексалар, шу жумладан, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган эътибордан мамнун эканлигини таъкидлади. Шунингдек, бундай ажойиб саёҳат ташкил этилганидан беҳад миннатдорлигини билдирди.

**"Туркистон-пресс".**

Шундайлар бор бўлсин

**Тиббиёт фанлари доктори, онколог-жарроҳ. вилоят ўсма касалликлари диспансери бош шифокори Абдулла Абдуҳакимовни ўз касбининг фидойиси, "қўли енгил дўхтир" дейишади. У билан суҳбатимиз, одатдагидек: "Нима учун шу касбни танлагансиз?" деган саволдан бошланди.**

## МИКРОСКОПГА ТИКИЛИБ, ОНКОЖАРРОҲГА АЙЛАНДИ

– Онам биолог олима бўлганлар, – деди А. Абдуҳакимов. – Улардан менга кўп нарсалар ўтгани аниқ. Ҳар ҳолда, ирсийланиш, тиббий танланиш деган тушунчаларни мактаб дастуридан анча олдин, ипак қурти лабораториясида кузатиб, англаб етганман. 14-15 ёшимда меҳнат шартномаси асосида Ипакчилик илмий-тадқиқот институти лабораториясидаги жараён, айниқса, микроскопдан қарашга жуда қизиқардим.

Аммо, бирданига онколог бўлиб қолмаганман. Олдин умумий жарроҳлик кафедрасида ишладим. У пайтларда онкология соҳасига мутахассисларнинг келиши қийин эди.

(Давоми 3-бетда).

Суратли нордон луқма

## КЎЧАНГИЗНИНГ НОМИ НИМА?

Янгийўл шаҳридаги тадбирда қатнаша туриб, иштирокчи болалардан бирини саволга тутдим:

– Қаерда турасан?

– Шу ерда, Янгийўл шаҳрида, Улугбека кўчасида...

– Улуғбек кўчасими?

– Йўқ, Улугбека...

– Нотўғри гапираяпсан. Асли Улуғбек бўлиши керак.

– Гапим тўғри, – тўнғиллади суҳбатдошим. – Ишонмасангиз, юринг кўрсатаман, кўчамиз яқин.

Бордик. Чиндан ҳам кўчадаги эшиг-у дарвозалар тепасидаги кўрсаткичларда "ул. Улугбека" деган битик турибди. Касбимиз-да, бизни ажаблантирган бирор нарсани кўрсак, фотоаппаратга ёпишамиз, суратга олдим. Сўнг яна мени бошлаб келган болага юзландим:

– Бу ерда русча ёзилган экан, ўзбекчада кўчанинг номи Улуғбек бўлади!

– Қандай ёзилган бўлса, шундай айтаяпманда, – суҳбатдошим яна тумсайди.

Болакайга бир нималарни уқтирган бўлдим-у, бошқа кўчаларда аҳвол қанақа экан деган ўйда бир-икки кўчага бош суқдим. Антиқа битикларни кўриб, суратга оларканман, шаҳарда кўча номлари кўрсаткичлари билан шуғулланадиганлар бормикан, деган фикр ҳеч хаёлимдан кетмади.

Айтинг-айтинг, кўча кўрсаткичларини ўзбек тили ва имлосига мос қилиб тўғрилаб қўйишсин-да! Акс ҳолда, янгийўлликларнинг ҳозирги авлоди мени ўша кўчаларга бошлаган боладай, ўзи яшайдиган жой номини тўғри талаффуз қилолмай улғаяди.

**Даврон АҲМАД.**










**СУРАТЛАРДА:** муаллифни лол қолдирган кўча кўрсаткичлари.

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Аммо шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, бир аччиқ ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимизни истар эдим. Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бунинг устига, жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётгани, рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани **барчамиздан аввало бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб қилади.**

Шу борада амалга ошираётган ишларимиз қаторида ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамизга айланмоқда, десам, янглишмаган бўламан.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тўсиқ бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўз ечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислоҳотларни янги, юксак босқичга кўтариш – айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини таъминламасдан туриб, яъни, ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технологик ва техник нуқтаи назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни, келажак истиқболимизни ўйлайдиган бўлсак, бугун иқтисодиётимизда амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларни, **авваламбор, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, янги, замон талаб қиладиган даражага кўтариш масаласини ҳал қилмасдан туриб, очиқ айтишимиз керак, биз ўз мақсадларимизга – тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтарилишимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.**

**Биринчи навбатда Конституциямизда муҳрлаб қўйилган кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш – биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.**

Айтиш керак – ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш бўйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Лекин, минг афсуски, хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан устуворлиги барчамиз учун аён бўлишига қарамасдан, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиз, **аввало, мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечилмаяпти, ўзининг кутилган самарасини бермаяпти.**

**Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз даркор.**

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидан воз кечиб, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифа ва ваколатларни аниқ белгилаб қўйишимиз, савдо операцияларини, чакана савдодан ташқари, асосан биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз керак.

Шулар қаторида корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятига ҳам кўпгина хорижий фирма ва компаниялар тажрибаси асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатадики, **Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчиликнинг энг маъқул, самарали, ўзини оқлаётган йўлидир.** Бунинг афзаллиги шундаки, хорижлик акциядорлар – муассислар қўшма корхоналарга аввало илғор, юқори технологияларни олиб келиш билан бирга, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий этади.

Шу аснода биз хорижий давлатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун очиқлигимизни билдириб, бу борада янги йўл ва имкониятлар очиб беришга тайёрмиз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ва 2015 йил ҳамда келгуси йиллар учун белгилаб олган айни шундай ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини давом эттиришимиз, ҳеч шубҳасиз, давлат бошқаруви таркибини ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янги босқичга кўтаришга, жаҳон миқёсида Ўзбекистонимизнинг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Қадрли дўстларим, юртдошларим!

Рухсатингиз билан яна бир ўта муҳим ва барчамизни ўйлантирадиган масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Яъни, бугунги кунда барчамиз қандай ўта таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган, турли хавф-хатарларни олиб келиши мумкин бўлган замонда яшамоқдамиз.

Айни шундай вазиятни ҳисобга олиб, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш мақсадида биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз, деб билишимиз керак.

Яна ва яна бир бор айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан – **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.**

Бугун яқин атрофимизда вужудга келаётган ўта мураккаб вазиятда айни шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул, деб биламиз. **Илгари ҳам айтганимдек, бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак.**

Фурсатдан фойдаланиб, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларга, уларнинг мана шу залда ўтирган вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча давлат раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур миннатдорлик билдираман.

**Менга юксак ишонч билдирган она халқимга бош эгиб, яна ва яна бир бор таъзим қиламан.**

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш – мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Доимо соғ-омон бўлинглар, қадрдонларим!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Партиялар ҳаёти

## МЕҲНАТЛАРИ ҚАДРЛАНДИ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолият дастурига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланган фермер хўжаликлари фаолиятига янада чуқурроқ кириб боришга, уларга ҳуқуқий ва тижорат банклари орқали молиявий жиҳатдан кўмак беришга интилмоқда.**



Жумладан, партиянинг Тошкент вилояти кенгаши ушбу мақсадини самарали амалга ошириш учун Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ҳаракат қилиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлари гуруҳи фаолиятини янада кучайтирмоқда. Чунончи, партия вилоят кенгаши яқинда айрим турдаги мева-сабзавот экинларини совуқ ургани муносабати билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги стандартлаштириш маркази, давлат иқтисодиёт ва аграр университетлари мутахассислари, божхона, солиқ ва ҳуқуқий маслаҳат идоралари, банк муассасалари вакилларини жалб этиб, фермерлар учун жойларда ўқув-семинар, учрашув, давра суҳбати ва савол-жавоблар уюштирмоқда. Ушбу тадбирларда мутахассислар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, реализация қилиш каби фермерлар учун долзарб масалаларни атрофлича тушунтирмоқдалар.

Шундай учрашувлар Янгийўл, Паркент ва Бўка туманларида ташкил этилди. Янгийўллик фермерлар энди фақат ғалла, мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослашаётганлари боис уларга фойдали маслаҳатлар берилди.

Партия вилоят кенгаши фермерлар учун уюштирилаётган шундай тадбирлар жараёнида, ҳозирги бироз ноқулай об-ҳаво шароитида чигит экиш мавсумини кечикмай ва сифатли якунлашга кўмаклашиш учун илғор фермер хўжаликларини моддий ва маънавий рағбатлантирмоқда. Жумладан, шундай рағбатлантирувчи тадбирлар Бўка ва Ўрта Чирчиқ туманларида ташкил этилди.

Навбатдаги ўқув-семинарларни Бўстонлиқ, Қибрай, Зангиота ва Оҳангарон туманларида ўтказиш режалаштирилган.

***СУРАТДА:** партия депутатлар гуруҳи 63,4 гектар майдонга уч кунда чигит экиб бўлган "Насриддин Қиличев" фермер хўжалигига рағбатлантирувчи совға топширмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Очиқ мулоқот





## ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ

Янгийўл тумани ҳокимлигида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш масаласида очиқ мулоқот ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги ва прокуратура ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, кредит олиш, солиқ тўлаш ҳамда ортиқча текширувларни йўқ қилиш каби масалаларда тадбиркорларга қулайликлар яратилгани, шунингдек, имтиёз ва преференциялар яхши самара бермоқда. Тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан тадбиркорлар ўртасида ишонч телефони ҳамда учрашувлар ўтказилаётгани ҳам тадбиркорликнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлаётир.

Очиқ мулоқот жараёнида фаолиятларига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолари бор тадбиркорларнинг мурожаати тингланиб, ечим берилди.

– Фаолиятимни янада кенгайтириш мақсадида кредит олишни режалаштириб юрувдим, – дейди ҳунарманд Мунира Мирзабекова. – Мурожаатимни эътиборга олиб, тезда кредит ажратишганидан жуда хурсанд бўлдим.

Мулоқот сўнгида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган бир гуруҳ коллеж битирувчиларига банкларнинг кредит ажратиш ҳақидаги сертификатлари топширилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

Мутахассис маслаҳат беради

## БЕГОНА ЎТ – ҲОСИЛ КУШАНДАСИ

**Бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтлар маданий экинлар ҳосилдорлигига ва умуман қишлоқ хўжалигига турли зараркунанда ҳашаротларга нисбатан кўпроқ зарар етказади. Аввало, тупроқ таркибидаги озиқ моддалар ва деҳқонлар берадиган ўғитларга шерик бўлса, иккинчидан, экинларнинг қуёш нури ва очиқ ҳаводан баҳра олишига йўл бермай, ҳам ривождан, ҳам ҳосилдан қисади.**

"Бемаза қовуннинг уруғи кўп" деганларидек, бегона ўтларнинг яна бир "қилиғи" ортиқчаки, улар жуда серуруғ бўлади. Бунинг устига бегона ўт уруғлари жуда яшовчан бўлиб, ҳатто 40-50 йилгача унувчанлик қобилиятини йўқотмайди. Бугунги кунда фермер хўжаликларида қўл учи ҳисобли бўлгани боис уларнинг далаларида ажриқ, ғумай, қамиш, саломалик, қўйпечак, айниқса, кўпайиб кетмоқда.

Бегона ўтлар орасида энг ёвузи ажриқдир. У асосан илдизпоясидан кўпайиши билан деҳқонга жиддий ташвиш келтиради. Озгина эътиборсизлик қилинса, ажриқ жадал ривожланиб, бутун майдонни қоплаб, экинга "кун бермай" қўяди. Бунинг устига тупроқнинг унумдорлигини ҳам жуда пасайтириб юборади.

Маданий экинларнинг яна бир кушандаси ғумайдир. Унинг "ёвуз"лиги шундаки, бир дона уруғидан униб чиққан пояси қалин туплаб, йил давомида 30 минг донагача уруғ беради. Йўғонлиги одам бармоғидек келадиган илдизлари 40 сантиметргача чуқурликка етиб боради. Шу боис, уни совуқ урмайди. Баҳор келиши билан тез ривожланиб, ер юзига чиқиб, экинни бўға бошлайди. Илдизи синувчан бўлгани учун, ерга ишлов бериш жараёнида тез майдаланиб, тупроққа аралашиб кетади. Битта илдиз неча бўлакка бўлинса, майдонда ғумай шунча тупга кўпаяди. Шу боис ғумай пахта ва ғалла ҳосилига катта зарар етказувчи ашаддий бегона ўт ҳисобланади.

Қамиш кўп йиллик илдизпояли ўсимлик бўлиб, маданий экинлар ҳосили кушандаси сифатида ғумайдан ҳам ўтиб тушади. Илдизлари жуда тез ва кучли ривожланиб, экин майдонларида 40 сантиметр чуқурликкача тарқалади. Ер бағирлаб ўсувчи поясининг узунлиги эса 20 метргача етади. Кўриниб турибдики, агар экин майдонларида қамиш пайдо бўлиши билан уни таг-туги билан йўқотиш чоралари кўрилмаса, кейинчалик эплаб бўлмай қолади.

Бегона ўтларнинг энг бебори саломалик бўлиб, юлиб ташлаганингиздан уч-тўрт кун ўтмай, яна қайта чиқаверади. Шунинг учун ҳам номи саломалик. Қайта-қайта униб чиқишининг сабаби шундаки, ерга чуқур жойлашадиган илдизи учида чигитдек тугунаги бўлиб, ўтни юлиб ташлаганингизда у ерда қолаверади. Ундан тез униб чиққан поя шу қадар қаттиқ бўладики, ҳатто, картошка ва пиёзни тешиб ўтади. Экинга нисбатан анча тез ўсиб ривожланади.

Юқорида тилга олинган кўп йиллик бегона ўтлар яшовчанлиги, иссиқ-совуққа, ҳатто, сувсизликка чидамлилиги, илдизи ва танаси бақувватлиги, уруғлари узоқ йиллар, ҳар қандай шароитда ҳам унувчанлигини йўқотмаслиги, илдизпоя ва уруғлари кенг тарқалиши боис пахта ҳамда ғалла майдонларида тез кўпайиб, ҳосилга катта зарар етказади.

Хўш, бу бегона ўтларга қарши қандай курашган маъқул?

Аввало, кузда ер ҳайдашдан олдин бегона ўтлар қолдиқлари териб олиниб, сўнг икки қаватли плугда ва, албатта, плуг олдига махсус механизм қўйиб, 35-40 сантиметр чуқурликда ҳайдалиши керак. Шунда ер юзасидаги бегона ўт уруғлари чуқур кўмилиб, чириб кетади. Плуг олдига қўйилган махсус мослама эса бегона ўтларнинг 50-70 фоиз камайишига ёрдам беради.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кузда ер икки қаватли плуглар билан чуқур ҳайдалса ва кейинги агротехник тадбирлар воситасида ажриқ, ғумай, қамиш ва саломалик каби бегона ўтларни 90-95 фоиз йўқотиш мумкин.

Кўкламги экиш мавсуми олдидан далаларни кўздан кечириб, ажриқ, ғумай, қамиш босган майдонларни алоҳида ажратиб, чизеллаш ва мола босиш, илдизларни териб олиш, яхши самара беради. Дарвоқе, агар бундай майдонлар алоҳида ажратилмай, ёппасига чизелланиб, мола босилса, ёввойи ўт илдизлари бутун майдонга тарқалишини унутмаслик керак.

Буғдой ҳосили ўриб-янчиб олинганидан сўнг ер суғорилиб, етилгач, 35-40 сантиметр чуқурликда ҳайдалса, орадан 10-12 кун ўтказиб, 2-3 марта чизелланса, бегона ўт илдизлари ёз жазирамасида қуриб-қовжирайди ва камида 90 фоизи йўқолади.

Баҳорда чигит униб чиқиши билан, яъни эрта культивация қилиш ҳам бир йиллик ва кўп йиллик ўтларни камайтиради. Бунда культиватор органлари тўлиқ, яъни ишчи орган 36-42 та бўлиши керак. Культиваторнинг кесувчи органи ўткир бўлса, кўп йиллик ажриқ, ғумай, қамиш ва саломалик босган майдонлар ҳар сувдан сўнг камида бир марта, орасини 6-8 кундан оширмай, қўшимча культивация қилинса, бегона ўтлар анча камаяди.

Қишлоқ хўжалигида бегона ўтларга қарши кимёвий усулда, яъни турли гербицидлар воситасида курашиш кенг қўлланилади. Шундай гербицидлар борки, фақат бегона ўтларга қирон келтириб, экинга таъсир қилмайди. Гербицидларни экишдан олдин ва майсалар униб чиққанидан кейин сепиш мумкин.

Ҳисоб-китобларга қараганда, гербицид сепилган майдонлардан 15-20 фоиз кўп ҳосил олинади. Бироқ, четдан келтириладиган гербицидларнинг нархи қиммат бўлиб, ҳамма фермерлар ҳам харид қилиш имкониятига эга эмас.

Хулоса ўрнида, ота-боболардан қолган бир нақлни келтирмоқчимиз: "Ёмон ер йўқ, ёмон деҳқон бор". Бинобарин, ҳақиқий деҳқон экинини ўт бостириб қўймайди, ерида ажриқ, ғумай, қамиш, саломалик пайдо бўлишига бефарқ қарамайди. Айтмоқчимизки, экин майдонларида бегона ўт авж олиш-олмаслиги биринчи галда фермерларнинг ҳаракатчанлигига боғлиқ. Улар изланувчан, интилувчан ва, энг муҳими, билимдон бўлсалар, экин майдонларига бегона ўт ортиқча оралламайди. Бунинг учун фермер аъзолар, яъни чопиқчиларга нисбатан талабчан бўлиш баробарида, уларни бегона ўтларга қарши курашга рағбатлантириб бориши лозим.

**Хўжаахмад БОБОМУРОДОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

## КАСБИЙ МАҲОРАТ ОШИРИШ ДАРСЛАРИ

**Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида "Мактабгача таълим муассасалари педагогларининг малака ошириш тизимини такомиллаштириш" мавзуида республика амалий семинари бўлиб ўтди.**



Тадбирда республикадаги шундай институтларнинг "Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим" кафедраси мудирлари, катта ўқитувчилари, вилоят халқ таълими бошқармасининг мактабгача таълим бўлими услубчилари, Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти "Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари" малака ошириш курси тингловчилари иштирок этди.

– Семинарда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ўқув жараёнини ташкил этишнинг методик-ташкилий жиҳатлари муҳокама этилди, – дейди институтнинг мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси мудири Шаҳрихон Мирзаахмедова. – Бу каби амалий семинарлар педагогларнинг ўз устиларида янада кўпроқ ишлашларига туртки бўлиши шубҳасиз.

Семинарда мактабгача таълим муассасалари педагогларининг малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича вилоятимиз тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш хусусида фикр юритилди. "МТМ тарбиячиларининг касб маҳоратини оширишдаги муаммо ва ечимлар", "Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида М. Монтессори методикасидан фойдаланиш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

– Бундай семинарларда тажриба алмашиш имконияти катта, – дейди Зангиота тумани 43-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Маъмура Муродова. – Чунки бу ерда юзлаб курс ишлари намойиш этилади.

**Илмира НОРБОЕВА.**

Таассуф

# ЯРАШТИРУВМИ ЁКИ УРИШТИРУВ?



Фароғатнинг келини яна кетиб қолибди...

Бояқиш жуда қийналди-да. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ. Беш йил деганда, қайнонасининг кўнглига аранг йўл топганди, қайнсинглиси келди-ю, яна ҳаммаси бошқатдан бошланди.

Нозима қайнсинглисининг кўнглига қараб, дилини оғритмасликка кўп ҳаракат қилди. Боласини ўз болаларидай яхши кўрарди. Чўмилтириш, кир-чирларини ювишга сира оғринмасди.

Каллаи саҳарлаб туриб, икки бола билан ишга, шомдан оғганда уйга қайтади. Кеч кирар чоғи овқатга уннайди. Хуллас, ҳамма иш Нозиманинг зиммасида. Онаю қиз, куну тун ухлаб, зерикишмасди...

Кечки овқатга энди ўтиришганди. "Тузламани намунча олдингга қўйиб олмасанг, Сарвар", деди аммаси жаҳл билан.

– Ана олдингизда борку?!

– Аммангга гап қайтарма, – қўшилди қайнона.

– Уф-ф, ойи аммам қачон уйига кетади, – бақирди Сарвар.

– Вой, ўлай, бунинг гапини қаранглар, онаси ўргатган-да, – дея ёзғиради қайнона.

– Ойижон нега унақа дейсиз, – Нозиманинг қовоғи уюлди.

– Нима дейишни сандан сўрайманми, оғиз маники, хола-ганимни гапираман. Жасур келсин, кейин гаплашамиз...

Жасур кеч соат 23 ларда келди. Тонг отгунча, шу мавзу муҳокама қилинди. "Онанг билан ёлғизгина синглингни шуларга талатасанми?" деб она йиғи-сиғи қилди.

Кунлар, ойлар ўтиб ҳаммаси, унут бўлди. Бу орада суднинг қарори билан Ҳилоланинг никоҳи бекор қилинди...

Қизининг ёмон эрдан қутулгани шарафига Фароғат уч-тўрт дугонасини зиёфатга чақирди.

– Ана энди палакати ариди, ўртоқ, – деди Ҳалима.

– Нимасини айтасиз, қизим ҳали ёшда, шундаям эрини ўйлавотти, ишга тушса унутар.

– Тўппа-тўғри, Ҳилолни ишга қўйинг, келиниз уйда ўтирсин, ош-овқат қилиб, буларнинг қўли пул кўрса, тилиям чиқади, – гапга қўшилди Мамлакат.

– Ўзимам шуни ўйлаб юрувдим, кейинги пайтларда ўзгариб қолди, тили бир карич.

– Айтгандай, Ҳилолага алоҳида хона қилиб берганмисиз, ё сизни хонангизда сиғиндими? – давом этди Мамлакат.

– Бечора қизгинамга жой йўқ, балконни хона қилсамми?

– Ия, бу нима деганингиз, сиз қизингизни шунақа оёқ ости қилсангиз, келин бошига чиқиб олмайдими? Келин кўчсин балконга ё икки боласини қўйнига олиб, кичкина хонани бўшатсин.

Қолганлар бу масалага аралашишни исташмади чоғи, "мум" тишлаб ўтиришди.

Ҳа, қўни-қўшни, дўсту-ёрда ҳам гап катта экан.

Ҳалима – маҳалланинг фаол аёлларидан. Мамлакатчи? Маҳаллада маслаҳатчи бўлатуриб...

Дугоналарнинг бирортаси Фароғатга тўғри йўл кўрсатса, "Турмушни "мушт" дейдилар, ҳадеганда қизингизни чақиравер-манг, бўлар-бўлмасга аралашавернманг", дейишганида эди Ҳилола борган жойида тошдай қотган бўлармиди?

Орадан бир ҳафта ўтди ҳамки, Мамлакатнинг гапи Фароғатга тинчлик бермайди. "Нима қилсам? Қандай қилиб айтсам экан", ўйларди у. Ниҳоят ёрилди:

– Сарвар билан Сардорнинг каравотларини хонайизга киритсайиз. Бу хона энди Ҳилола билан боласига.

– Вой, ойижон, уларни каравоти хонамизга сиғмайди-ку, устига-устак шкафлари ҳам бор.

– Унда йўлакка қўйинг.

– Невараларииз йўлакда ётишадими?

– Тўхтанг, нега мен сиздан рухсат сўрашим керак. Ёқмаса, ана балконга кўчиринглар.

– Шуни бақир-чақирсиз ҳал қилса ҳам бўлади-ку. Наваралариз сиз билан ёта қолишсин.

– Ҳо-о... ёқмай ўлсин. Сиз маза қилиб ухлангда, ман кечаси билан бола боқиб чиқийми? Раҳмат...

Нозима бу уйга сиғмай қолганини сезиб юрарди. Бу сафар кўч-кўронини йиғиб кетдиқолди...

– Ҳа, Мамлакатхон, қаерга шошилаяпсиз, – сўради Фароғат.

– Кўрмайсизми, Набижон ака бор-ку, ўшанинг ўғли ажрашмоқчийди, яраштиришга кетвотувдим.

– Бўпти, кейин гаплашамиз. Айтгандай, маҳалладасиз-ку, тузукроқ қизлардан топинг. Ўғлимни уйлантираман...

**Ирода МАҚСУД қизи.**

Спорт

# ЧЕМПИОНЛАР БИЗДАН ЧИҚАДИ

**Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, маҳоратини ошириб бораётган ёш спортчилар турли мусобақаларда салмоқли натижаларга эришмоқдалар.**

Айниқса, белбоғли курашдан таҳсил олаётган ёш полвонлар нафақат республика, балки турли халқаро мусобақаларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Хусусан, ўтган йили белбоғли кураш бўйича Россияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида ёш спортчилар Жамшид Ниёзбоев биринчи, Беҳзод Бегалиев учинчи ўринни эгаллади.

Албатта, ёш ва умидли спортчиларнинг бундай натижаларга эришишида мураббийларнинг хизмати катта.

– Мақсадимиз Осиё ва Олимпиада ўйинлари, қитъа ва Жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этадиган спортчиларни тарбиялаш, – дейди иқтидорли ёшлар мураббийи Искандар Маҳаматов. – Коллежимизда ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун яратилган шароит ва имкониятлар туфайли ғолиб ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Олов – тилсиз ёв

# ЁНҒИНГА САБАБ – БЕПАРВОЛИК

Ёнғин аслида бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида келиб чиқади. Электр симларининг қисқа туташуви, янги қурилаётган ва таъмирланаётган биноларда газ ва электр пайвандлаш, ўчмаган сигарета қолдиғини ташлаш, болаларнинг гугурт ўйнаши, телевизор ва дазмолни ёқиқ қолдириш кўплаб кўнгилсиз ҳолларга олиб келмоқда.

Халқимизни ўт балосидан асраш фақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Туражой бинолари, шунингдек, майдонлар доимо назоратда бўлса, ёнғинлар камаяди.

**Эржон АМРАҚУЛОВ, ЁХБ инспектори.**

ЭЪЛОН

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 12 май куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Чилонзор туман СИБ томонидан, 2014 йил 8 сентябрь кунги 1-4996/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Делта микрокредит ташкилоти" МЧЖда сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 731 RA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 000 000 сўм.

2015 йил 28 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Яшнобод туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 26 март кунги 1-104/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 491 ECA бўлган "XCMG QY25K5" русумли автокран. Бошланғич нархи 372 400 000 сўм. 2. 2013 йил 16 январь кунги 2-88/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 H 808 EA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 250 750 сўм. 3. 2014 йил 22 июль кунги 1-479/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 T026 CA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 450 000 сўм. II. Яшнабод туман СИБ томонидан, 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 N 79-77 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 54 034980 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 C 909 BA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 58 600 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 M 157 GA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 711 654 сўм. 4. 2013 йил 8 февраль кунги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланга, 1996 йилда и/ч дав. бел. 30 R 5531 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 152 006 сўм. 5. 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 30 520 RAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 60 256 868 сўм. 6. 2012 йил 26 март кунги 2-29/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 M 002441 бўлган "ISUZU SAZ NP37" русумли автотранспорт воситаси. бошланғич нархи 39 223 528 сўм. 7. 2013 йил 5 сентябрь кунги 1-586/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 70 E 839 AA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 907 038 сўм. 8. 2013 йил 19 июнь кунги 1-399/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда и/ч дав. бел. 01 U 379 HA бўлган "ДЭУ Рейсер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 147 500 сўм. 9. 2012 йил 12 март кунги ижро варақасига асосан хатланган, "SARCO" МЧЖ ҳовлисида сақланаётган, "Toyota 7FB15FV 3000" русумли юк кўтаргич воситаси. Бошланғич нархи 9 636781 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан: 2015 йил 27 январь кунги 10-1417/13700-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 23-уйда сақланаётган: 1. 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 978 MCA бўлган "Xowo" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 177 083 333,33 сўм. 2. 2013 йилда и/ч дав. бел. 36 79 HE бўлган "LW300FN" русумли юк кўтаргич (погрузчик) воситаси. Бошланғич нархи 89 403 754,81 сўм. 3. 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 697 RCA бўлган "Xowo Sinotruk" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 179 695 833,33 сўм. IV. Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 31 июль кунги ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 323 EAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 181 500 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 044 EAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 243 060 сўм. 3. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 044 NBA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 007 430 сўм. 4. 1988 йилда и/ч дав. бел. 01 516 BBA бўлган "Камаз 5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 319 970 сўм. 5. 1983 йилда и/ч дав. бел. 01 993 TAA бўлган "АМТС ГБАММЗ 4502" русумли автотранспорт воситаси. бошланғич нархи 12 794 220 сўм. V. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 2014 йил 11 февраль кунги 729/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 O 190 AA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 299 477 сўм. 2. 1992 йилда и/ч дав. бел. 10 AN 808 бўлган "Газ 31029" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 087 234 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

Кўзгудаги ўзимиз

# ЎЧМАЙДИГАН «РАДИО»

Дунёда турфа одамлар бор. Баъзиларнинг суҳбатига тўймайсиз. Вақтнинг қандай ўтганини билмай қоласиз.

Ҳамқишлоғимиз Рўзибой ака шундай одам. Ўзи сергап эмас, сўзларни чертиб, маъноли гапиради. У бор давраларда, тўю маъракаларда бошқалар гапини ўйлаб гапиришига тўғри келади. Аммо, мантиқли сўзлагани учун кўпчилик бироз ҳайиқиброқ турсада, унинг суҳбатига интилади.

Мелибой эса Рўзибой аканинг бутунлай акси. Даврада қандай мавзу очилса, унинг гапи тайёр. Орадан шартта "ёриб чиқиб", гапингизни бўлади. Оғзига келган сўзларни шундай тахлаб ташлайди-ки, гапингизни эсдан чиқариб қўясиз. Бунинг устига шанғиллаб гапиришини айтмайсизми? Шунинг учун кўпчилик у ўтирган даврага кирмасликка, кирса ҳам унинг ёнига ўтирмасликка ҳаракат қилади.

Айниқса, томоғи хўлланса борми, уни тўхтатиб бўпсиз. Ҳатто, қайсидир даврада нуфузли меҳмонлардан бири: "Бу радионгиз қаердан ўчирилади?" деб гап ташлаганда ҳам унга таъсир қилмаган.

Хуллас, ўша Мелибой билан Равшан дўстимизнинг туғилган кунида бирга ўтиришга тўғри келди. Дастлаб Орифжон Равшаннинг шаънига илиқ гаплар айтиб, яхшигина балиқчи эканини ҳам қистириб ўтди.

– Э-э, унинг балиқчилигини гапирманг, – ҳамма ялт этиб Мелибойга қаради. – Неча йилдан бери би-ир балиққа тўйдираман, деб алдаб келаяпти.

Мелибойни туртиб тўхтатганимни кўриб, Орифжон табригини якунлади.

Давра қизиб, гап мавзуи шаҳардаги янгиликларга бориб тақалди.

– Қобилжон қурилиш фирмасига бошлиқ бўлди, – деди Абдуқаҳҳор.

– Ие, Расул аканинг ўғли Қобилми? – гапни илиб кетди Мелибой. – Фамилияси Жабборов.

Абдуқаҳҳор Мелибойга қараб: "Ҳа" дейиши билан "радио" тилга кириб кетди:

– У билан дарё бўйида роса улфатлашганмиз-да. Қобил ўқишни битириб, оддий уста бўлиб ишларди. Обдон қўли очиқ бола экан.

Мелибой тўхташи билан Абдуқаҳҳор гапини давом эттирди:

– У томонларини билмайман-у, аммо 4-5 номзоднинг ичидан Қобилжонни танлаб олишибди. Ўзиям отаси Расул акага ўхшаган меҳнаткаш, қурилишни яхши биладиган, муомалали йигитда.

– Қобилжон кенжа ўғил, – "радио" яна тилга кирди. – Расул акада 3 ўғил, 2 қиз бор. Катта ўғли заводда ишлайди, инженер, Азим Суюновичнинг қизига уйланган...

"Радио" Расул аканинг ўғил-қизлари қаерда ишлаши, касби, кимлар билан қуда бўлганлари, нечта фарзанди борлиги ҳақида "ахборот" бериб чиқди. Даврадошлар уни "мароқ билан" тинглашди.

Хуллас, барча табригу янги мавзулар "радио" томонидан бўлиниб, изоҳлар билан тўлдириб борилди. Охири Сафарали дўстимиз бундай "ахборот"ларга чек қўймоқчи бўлди, шекилли, менга қараб:

– Сиз Навоий асарларини ўқигансиз. Мана бу мисраларни эшитганмисиз:

*Оғзига келганни демак*
*нодоннинг иши,*
*Олдига келганни емак*
*ҳайвоннинг иши...*

Шу ерга келганда "радио"мизнинг овози яна янграб кетса бўладими:

– Навоий бобомизнинг дадалари қишлоғимиздаги Ғиёсиддин аканинг адашлари экан. Аммо, Ғиёсиддин ака ошни боплайди-да. У куни Олим аканинг маъракасида бир ош қилибди...

"Радио" узоқ гапирди. Менинг бошимга оғриқ кирди. Бобомиз Алишер Навоийни эслаганимиз учунми, миямда буюк алломанинг қуйидаги мисралари айлана бошлади:

*Мени мен истаган ўз*
*суҳбатига аржуманд*
*этмас,*
*Мени истар кишининг*
*суҳбатин кўнглим*
*писанд этмас...*

**Карим МАВЛОН.**




### ДАВЛАТГА ИШЛАШНИ ИСТАШМАЯПТИ

**Шу йил февраль-март ойларида Хитойнинг давлат муассасаларида хизмат қилиб келган 10 мингдан зиёд амалдор хусусий бизнес соҳасида ишлашга ўтиб кетишгани ҳақида хабар тарқатди China Daily нашри zhaopin.com сайти сўровлари натижасига таяниб.**

Ушбу тадқиқотлар натижаси таҳлилига қараганда, амалдорлар асосан қурилиш фирмалари, банк муассасалари, шунингдек, интернет билан боғлиқ турли ташкилотларга ўтиб ишлашни афзал кўришмоқда. Аксинча, ҳукумат тизимида у ёки бу лавозимга эга бўлишни хоҳловчилар йилдан-йилга камайиб бораяпти. Ваҳоланки, яқин-яқинларгача давлат хизматчисининг обрў ва нуфузи хитойликлар учун тўкинликда яшаш, ҳеч қачон ишсиз қолмасликнинг кафолати ҳисобланарди.

Маълумотларга қараганда, Хитойда тахминан 10 миллион амалдор бор. zhaopin.com сайти вакили Хуан Жошаннинг фикрича, иш танлашдаги ушбу ўзгариш ХХР раиси Си Цзиньпин бошлаган коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2013 йил март ойида Си Цзиньпин мамлакат раиси этиб сайлангач, коррупцияга қарши курашни ўзи юритадиган сиёсатнинг устувор йўналиши деб эълон қилди. У таъмагирликка қарши курашда энг юқори мансабдаги амалдорларни ҳам аямасликка чақирди. Орадан ўтган даврда кўплаб йирик сиёсатчилар терговга тортилди. Жумладан, Марказий Қўмита Сиёсий бюроси аъзоси Чжоу Юнкан ҳам сўроқ қилинди. Ваҳоланки, илгари бундай юқори мансабли партия раҳбарлари дахлсиз ҳисобланишарди.

### БРИТАНИЯ ТАРИХИДАГИ БУЮК ЎҒРИЛИК

**Устомон ўғрилар 100 миллион долларлик заргарлик буюмларини ўмариб кетишди. Daily Starнинг ёзишича, бу Британия тарихидаги энг йирик ўғрилик бўлса, ажаб эмас.**

Маълумотларга қараганда, диний байрам кунлари ўғрилар Лондоннинг машҳур заргарлик буюмларига бой туманида жойлашган махсус омборхона томон аста-секин хандақ қазиб боришди. Сигнал берувчи мосламаларни узиб қўйиб, бир қанча нақд пул ҳамда мамлакатнинг айрим энг бой заргарларига тегишли бўлган ноёб бриллиантларни ўғрилаб кетишди. Тахмин қилинишича, улар 300 га яқин темир сандиқ катакларини очишга муваффақ бўлишган.

Ушбу шов-шувли воқеа юзасидан тергов олиб борилмоқда.

### АҚШДА ЯНА ИРҚИЙ МОЖАРО

**Жанубий Королина штати маъмурлари оқ танли полиция офицери Майкл Силайгерни 50 ёшли қора танли фуқаро Уолтер Скоттни ўлдирганликда айблаб, ҳибсга олишгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

Суд жараёнида бўлиб ўтган воқеа ҳаваскор томонидан суратга олинган видеолавҳа орқали намойиш этилди. Бироқ, видеолавҳа муаллифининг исм-шарифи айтилмади. Фақат шу нарса маълум қилиндики, у "керак пайтда пайдо бўлади". Ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашига қараганда, полиция офицери айбловига айнан ушбу видеоролик асос бўлган.

Марҳум Уолтер Скоттнинг оиласи полиция офицери ва умуман бутун бўлинма устидан даъво аризаси бермоқчи. Мамлакат адлия вазирлиги ва ФТБ ушбу жиноят юзасидан тергов бошлади.

### ҚИРҚ ФОИЗ РЕЙС БЕКОР ҚИЛИНДИ

**Париждан Москвага учиши режалаштирилган ўнта рейсдан тўрттаси, шунингдек, Париждан Санкт-Петербург шаҳрига учиши лозим бўлган рейс ҳам бекор қилинди.**

Мамлакат фуқаро авиацияси бош бошқармасидан берилган хабарга кўра, Франция авиадиспетчерларининг иш ташлашлари натижасида умумий рейсларнинг 40 фоизи бекор қилинди. Шунга қарамай, асосан халқаро йўналишларда учадиган самолётларни қабул қилувчи Руасси-Шарль де Голль номидаги асосий аэропортда вазият тинч ва осойишта. "Ҳеч қандай парокандалик ва тўполонлар йўқ, – дейишди аэропорт вакиллари. – Чунки рейслар бекор қилиниши мумкинлиги йўловчиларга олдиндан эълон қилинганди".

Авиадиспетчерлар ушбу акциялари билан иш шароитини яхшилаш ва маошни оширишни талаб қилмоқдалар.

### КЕМА ЧЎКДИ, ЙЎЛОВЧИЛАР ҚУТҚАРИЛДИ

**Таиланднинг жанубий қисмида йўловчи кемада ёнғин чиқиб, чўкиб кетди.**

Маҳаллий полициянинг хабарига кўра, Пхукет ороллари ва Краб вилояти ўрталарида сузувчи ушбу кемадаги 114 йўловчи қутқариб қолинди. Фақат исроиллик 12 ёшли қизча бедарак йўқолган. Воқеани кўрганларнинг гувоҳлик беришича, кемада ёнғин бошлангач, асосан саёҳатчилардан иборат бўлган йўловчилар ўзларини сувга ота бошлашган. Ёнғиндан ҳосил бўлган тутунга кўзи тушган бир нечта балиқчилик ва саёҳатчилар қайиқлари воқеа жойига етиб келиб, ёрдам беришган. "Йўловчиларнинг ҳаммаси Пхукет оролига қайтарилди. 12 ёшли қизча эса ҳамон топилмади", дея хабар беришди Краб вилояти соҳил қўриқчилик хизмати вакиллари.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Жиноятга жазо муқаррар

# ҚОРА ОҒУ ПАНЖАРА ОРТИГА ЕТАКЛАДИ

Кишиларга яхшилик қилиш хайрли амал. Шукрки, шундай эзгу мақсадли, ҳалол меҳнатлари билан турмушимизни янада фаровонлашувига ҳисса қўшаётган замондошларимиз талайгина. Кимдир муаллим, кимдир шифокор, яна кимдир бунёдкор. Уларнинг ҳар бири Ватан равнақи, юрт келажаги учун мустаҳкам замин яратиб, ўз бурчларини шараф билан адо этмоқдалар.

Лекин, "Гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек, ўз нафсини қондириш эвазига разолат уруғини сочаётган айрим кимсалар ҳам йўқ эмас, орамизда. Энг ёмони, улар босаётган ҳар бир қадамлари тубанлик сари етаклашини билсалар-да, унинг ортидан келадиган мўмай даромад тинчлик бермаётгани учун разил ниятларидан қайтмасликлари ачинарли ҳолдир.

Шундай кимсалардан бири Исмоилнинг ёвуз мақсади уни тўкин ҳаёт сари эмас, аксинча, панжара ортига етаклади. Афсуски, барча оилалар каби бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли бўлган турмуш ўртоғию жажжигина уч фарзанди бўзлаб қолаверди.



Исмоил Йўлдошев жиноий шериклари, яъни, тожикистонлик Шавкат Алимов, дастлабки тергов жараёнларида шахси аниқланмаган Шуҳрат исмли (жиноят ишининг уларга нисбатан бўлган қисми алоҳида иш юритувга ажратилган) шахслар билан тил бириктириб, гиёҳвандлик воситаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб киришни режалаштирди. Чегарадан яширин олиб кирилган қора оғуни сотиш мақсадида шериги Шуҳрат билан учрашиш учун Ўрта Чирчиқ туманидаги Истиқлол қишлоғига йўл олди. Унинг юриш-туриши, айниқса, ўзини бесаранжом тутиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларида шубҳа уйғотади. Тезкор тадбир пайтида Исмоил гумонланиб, холислар иштирокида текширувдан ўтказилганда, чўнтагидан полиэтилен пакетча чиқди. Махсус текширув жараёнида пакетчада 302,5 грамм гашиш гиёҳвандлик моддаси борлиги маълум бўлди.

Яхшиямки, Исмоилнинг қабиҳ жинояти сергак ходимларнинг саъй-ҳаракати туфайли амалга ошмай қолди. Суд Исмоил Йўлдошевнинг жиноий хатти-ҳаракатлари жамиятга, осуда ҳаётимизга етказиши мумкин бўлган оқибатларни инобатга олиб, адолатли ҳукм чиқарди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

**Тўлқин БАҲРОМОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2652. Адади 14117. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.